ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 1 май
сешанба № 55 (2312)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

**9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:**

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 50000 (эллик минг) сўм микдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаънu шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 апрел

## ЁШЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР



Андижон вилоятида бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 86 та касб-ҳунар коллежи ва 11 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Мазкур замонавий ўқув масканларида малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётир.

— Айниқса, назарий билимларни шу ернинг ўзида мустаҳкамлаш мақсадида Польша, Германия, Япония давлатларининг имтиёзли кредити ҳисобидан кичик технологиялар, ўқув адабиётлари олиниши ёшларимиз учун катта имкониятдир, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А. Ҳошимов. — Шунинг учун ҳам коллеж ва академик лицейларимизга уларнинг қизиқиши янада ортмоқда.

Андижон автомобил йўллари қурилиши касб-ҳунар коллежи битирувчиларига борган сари талаб ортиб бормоқда. Автомобилларни йиғиш, синаш, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, автомобил йўллари, сунъий иншоотлар ва автодромларни таъмирловчи уста, бухгалтер-аудитор каби йўналишларни ўз ичига олган коллежда бугунги кунда 900 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Ўтган йили бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган Андижон индустриал педагогика коллежида ҳам айни кунда 1546 нафар ўқувчи олти йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Бу ердаги ахборот-ресурс маркази, спорт тўгараклари доимо ёшлар хизматида.

**Суратда: ўқитувчи Муҳаббатхон Мамажонова талаба Моҳира Кимсановага тикиш-бичиш сирларини ўргатмоқда.**

***Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.***

## Хабарномалар

### ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

***Яқинда «Насафийлар ва кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази» ўз фаолиятини бошлади. Тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов раҳбарлик қилаётган янги марказ воҳада яшаб ўтган буюк алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш билан шуғулланади.***

Қарши Давлат университетида жойлашган бу жамоатчилик муассасасига Республика ва вилоят олимлари, аспирант ҳамда магистрлари жалб этилган бўлиб, қизиқувчилар интернетга уланган ахборот-ресурс маркази орқали насафийлар ва кешийлар ҳақидаги маълумотларни дунёнинг турли мамлакатларидан олиш имкониятларига эга.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

### ЗИЁРАТ

Юрган дарё, деган нақлга амал қилиб, Тошкент вилояти Ангрен шаҳрининг «Кўксарой», «Чётсув» ва «Эртош» маҳаллалар ҳудудидаги 12 кишидан иборат нуроний отахонлар меҳнат фахрийси Неъматулло Сулаймонов раҳбарлигида водийнинг Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларида 3 кунлик саёҳатда бўлишди. Улар Андижоннинг Боғишамол, Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст туманларида, Фарғона вилояти Чимён қишлоғидаги Ҳувайдо зиёратгоҳида бўлдилар.

Айниқса, ўзининг 2000 йиллик қутлуғ тўйига ҳозирлик кўраётган Марғилон шаҳридаги Пир Сиддиқ мажмуаси, Ёшлар хиёбони, Жаҳон отин Увайсий уй-музейи ва зиёратгоҳлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси**

### КАМАРБАСТАЛАР

***«Водийгазтаъминот» корхонасининг Қўқон шаҳар газ таъминот филиали Ижтимоий ҳимоя йилида кўплаб хайрли ишларни амалга оширишни режалаштирган. Корхонага янги тайинланган раҳбар Илҳомжон Ҳакимов бу масаланинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.***

— Ишчи-ходимларимизни ижтимоий ҳимоялаш билан бир қаторда таълим муассасалари, маҳалла ва кўчалар, болалар боғчаларида бепул таъмирлаш ишларини олиб боряпмиз, — деди у. — Яъни қозон ва қувурлар қайта кўрикдан ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Муқимий шаҳарчасидаги ногирон болалар боғчасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, шаҳардаги 9-мактаб-интернатида ҳам таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу ишда корхона касаба уюшма қўмитаси маъмуриятга камарбаста. 202 нафар ишчи-ходимнинг ўртача ойлик маоши 110-120 минг сўмни ташкил этяпти.

Касаба уюшма раиси Муҳаббат Отажонованинг билдиришича, корхонада ишлаётган 4 нафар кам таъминланган оила вакиллари рўйхатга олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

— Филиалимиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси қарорига кўра, бу йил 50, 55, 60 ёшни қаршилаётган ходимларимизга ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида мукофот пули берилади, — дейди касабақўм раиси. — Шу билан бирга ҳар бир ишчи-ходимнинг таваллуд кунида ҳам совғалар топширилиши анъанага айланган. Сафимизда меҳнат қилаётган 5 нафар Афғон уруши қатнашчиларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Қаердаки ишчилар ўз меҳнати маҳсулидан тўлиқ баҳраманд бўлса, ўша ерда самара ҳам ошиб боради.

Қўқонлик газчилар газ таъминотини яхшилаш ва дебитор қарздорликни камайтириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш борасида енг шимариб ишга киришган.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири**

***Республика Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони уйда ўтирган сирдарёлик қиз-жувонларга жуда қўл келди. Кўплаб аёллар касаначиликка жалб этилди. Энди улар ўз уйида, фарзандлари ёнида ишлаб, мўмай даромад топмоқдалар.***

### БАРАКА

Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармасидан олинган маълумотга қараганда, ушбу Фармон шарофати билан 32 та саноат корхонасида 2308 та иш ўрни барпо этилди. Ишли одамнинг тили ҳам бурро бўлади. Касаначилик орқали муқим иш ўрнига эга бўлган 2 минг 308 нафар фуқаронинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ўзгарди.

Жумладан, 7 нафар фарзанднинг онаси гулистонлик Тўтинисо Омонова учун моддий муаммолар ҳеч тугамайдигандек эди. Шу аснода унинг чевар қўллари иш берди. Бинобарин, у тиккан олача, кўрпа-тўшакларнинг таърифини эшитган тадбиркор аёл Мавжуда Рустамова бир куни уни йўқлаб келди ва иш таклиф қилди. Буни эшитиб, чеварнинг боши кўкка етди. Ишлаган тишлайди деганларидек, Тўтинисо опа қизлари Дилноза, Хадича, Гулбаҳорларга бош бўлди. Пировардида, кам бўлишмади, рўшнолик кўришди. Рўзғорга барака кирди. «Баҳор» маҳалласида яшовчи Шоҳида Абсолиева, Озода Раҳмоналиева, Собоҳат Қўзибоева, Меҳринисо Нишонова каби аёллар ҳам касаначилик орқасидан ўзларини тиклаб олишди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ, жамоатчи мухбир**

### ҒУЗОР «ШОҲСАНАМИ»

***Ғузор тумани марказида Хотин-қизларни касбга ўргатиш билан шуғулланадиган «Шоҳсанам» ўқув маркази ишга тушди.***

Тадбиркор Феруза Раҳматова томонидан ташкил этилган янги муассасада иш билан банд бўлмаган хотин-қизларга тикувчилик, элита пардалари дизайни, буюмларга мунчоқ ёрдамида безак бериш, сартарошлик, пазандалик, қандолатчилик каби касб-ҳунар сирлари ўргатилаяпти.

Айни пайтда марказнинг ўттиздан ортиқ хотин-қизлари буюртмалар асосида аҳолига намунали хизмат кўрсатишмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

## 9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни

***Тошга муҳрланган Она сиймосига боқаман. Юзларида йиллар қолдирган изтироб, нигоҳларида ҳали сўнмаган умид, пешонасининг ҳар чизиғида армонли соғинч ифодаси қотиб қолган! Даврлар ўтди. Қанча сувлар оқиб кетди. Аср ҳам кексайди. Лекин бу вақт ичида Она кексаймади. Негаки, унинг юрагидаги умидлар, кўзларидаги соғинчлар тирик эди. Кўксидаги «ўғлим» деган нидо ҳам тирик эди. Бу нидо ўзга юрт тупроғида шаҳид бўлган ўғлонларимиз руҳини ҳанузгача она Ватан сари чорлаб туради!***

Онанинг ориқ ва чайир қўлларига тикилиб қоламан. Бу қўллар ҳали замон дуога очиладиғандек... Ўйлайман, ўшанда — урушнинг илк кунидан то сўнгги дақиқаларигача бу кафтлар неча бор дуога очилди экан? Титроқ лаблар неча марталаб муқаддас дуоларни такрорлаганикин? Шу дуо ва тилаклар олисларда жанг қилаётган йигитларнинг вужудига жо бўлиб, уларни Ватан учун фидо бўлишга ундамаганмиди?! Ҳа, худди шундай бўлган!

Беихтиёр болалигимда эшитганим — бир ривоят ёдимга тушади. Эмишки, кекса онанинг беш ўғли довюракликда донг чиқарган, эл-улус шу ўғилларга суянаркан. Булар яшаётган юртга душман ҳам яқин келолмас экан. Нимадир бўлиб, ака-укалар олис сафарга отланишибди. Бундан фойдаланган ёв тўдаси шаҳарга бостириб кирибди. Душманлар қўлида жон берган кекса онанинг руҳи улкан тоққа айланибди-ю узоқдаги ўғилларини ёрдамга чорлабди. Ўғлонлар қуюндай учиб етиб келишибди. Ёвни ер билан яксон қилибдилар. Сўнг ўзлари ҳам мушфиқ оналари пойига бош қўйганча мангу уйқуга кетишибди. Ўшандан бери улкан тоғ беш ўғлонни бағрида тумордек асрар эмиш.

Оналаримиз шу қадар фидойи, меҳрибон, мунис!

Ўғлонларимиз шунчалар мард, юртпарвар, ўктам!

Мотамсаро Она эса ҳар биримизни сергакликка чорлаб, бизни она Ватан учун фидо бўлмоқликка даъват этаётгандек туюлади.

«Ўғлим, агар юртингга ёв келса қўлинг муштга, юрагинг тошга айлансин! Вужудингда нафратни ўқ қилиб душман кўксига санч! Ватанни асра!» деяётгандай...

Ахир бугунги кунларга етиб келишимиз осон кечмаган. Эрк йўлида юзлаб, минглаб инсонлар шаҳид бўлдилар. Иккинчи жаҳон урушида неча-неча қурбонлар бердик. Архив ҳужжатларида шундай маълумотлар бор: «Ўзбекистон уруш жанггоҳларида 400 мингга яқин фарзандларидан жудо бўлди. Бир миллионга яқин юртдошларимиз урушда қон кечишди. Юртдошларимиз уруш йилларида 200 мингдан ошиқ етим-есирларни ўз бағрига олди...»




«Уруш ва меҳнат фахрийларига навбатсиз хизмат кўрсатилади!» деган ёзув ҳар битта поликлиника эшигига ёзиб қўйилган. Лекин... Кўксига жанговарлик орденларини тақиб олган кекса одамга ўриндиқда қатор ўтирган беморлар норози бўлиб тикилишади. «Урушга борса борибди-да, нима бўпти?» дейдиганлар ҳам бор. Аммо ҳеч ким «Шу отахон болаларимиз тинч яшасин, деб қўлига қурол олган, ҳурматини жойига қўяйлик, биродарлар», демайди. Хўш, нега бунақамиз-а?

Қишлоғимиздаги Нормат бобо ногиронлик нафақасига чиқаётганида масъул идора ходими урушга борганини тасдиқловчи ҳужжатларини сўраган. Эртасига у бобонинг ҳужжатларини кўрсаки, аксариятининг четлари куйган...

— Ёзувларини ўқиб бўлмаяпти, буларга нима бўлган? — сўрайди у.

— Сталинграддаги жанг пайтида олов ичида қолганман, болам...

Ходим бу гапга ишонқирамай отага зимдан тикилади, сўнг дейди:

— Урушда бўлганлигингиз ростми ўзи, отахон?

Бобо унинг қўлидан ҳужжатларини шартта юлқиб олади. Сўнг эшикдан чиқаётиб, ходимга маъюсгина боқди:

— Бу гапинг дилимга жуда оғир ботди, болам. Урушда душман билан юзма-юз келганимдаям бундай ёмон аҳволга тушмагандим!

Ходим сапчиб ўрнидан туриб, кечирим сўради, лекин энди кеч эди.

«Мотамсаро Она»га боқаман, Унинг сиймоси менга яна кўп нарсаларни эслатади.

Сабрдан кўйлак кийган, шу кўйлак ичидаги жисму жони сарғайиб сўлса-да, қалбидаги улуғ дуолари билан фарзандини Ватан курашига чорлаган Буюк Она! Унинг «Ватан учун керак бўлиб яша!» деган биргина ўтинчи муқаддас қасамга айланиб ўғлонларга куч бағишлаган, уларнинг юракларига она юрт ишқини солган, тобора илдамроқ боришга — юртни асраб қолишга даъват этган!

Толхивичдан ясалган беланчакни тебратаркан, келинчак оҳиста алла айта бошлайди. Гўдак мунчоқ кўзларини онасига қадаган, сочларини кўклам шамоллари ўйнаётган ёшгина она эса боласидан нигоҳларини узмай куйлай бошлади:

*Алломишим, олтиним,*
*аллаё алла,*
*Бағри бутун, ботирим,*
*аллаё алла.*
*Менга қувват, тиргак бўл,*
*аллаё алла,*
*Юртинг учун керак бўл,*
*аллаё алла...*

Ахир Ватан — муқаддас, Ватан — азиз, Ватан — қадрли!..

Кўнглимни ёруғ ҳис-туйғулар чулғаб олди. Чуқур эҳтиром билан Буюк Она пойига эгилдим.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

***Миллий ғоя юртимизда яшовчи барча кишиларни бирлаштирувчи кучдир. У ҳар бир ватандошимизнинг қалбида, онгида ва бажараётган ишида акс этмоғи лозим. Диёримизнинг қадимий ва бой тарихга эгалиги, аждодлардан мерос маънавий қадрият ва анъаналарнинг халқимиз юрагида яшаб келаётганлигини теран англаш, бугунги кунда мамлакатимизда кузатилаётган улкан ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш орқалигина бунга тўла маънода эришиш мумкин.***

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича вакиллиги томонидан бошланғич ташкилотлар етакчи ва фаоллари ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилган тадбир ана шу мақсадга қаратилди. Унда олий ўқув муассасалари олим ва мутахассислари иштирок этиб, қатнашчиларга миллий ғоянинг асл ўзаги, уни шакллантирувчи омиллар ҳамда бу борада юртимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тушунча беришди. Биргина дин ва эътиқод эркинлиги масаласида давлатимизнинг тутган оқилона сиёсати, Президентимиз ташаббуси билан қанчадан-қанча азиз авлиёлар ҳоки ётган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, кўҳна масжид ва мадрасалар қайта таъмирланганлиги, бу юмушлар айни кунда изчил давом эттирилаётганлиги, ўз навбатида, мамлакатимиздаги бундай ижобий ҳодисалар жаҳондаги нуфузли давлатлар ва халқаро ташкилотлар эътирофига сабаб бўлаётганлигини маърузачилар таъкидлаб ўтишди.





Дарҳақиқат, Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганлиги бунинг ёрқин исботидир. Бу Ўзбекистоннинг маънавий-мафкуравий соҳадаги ютуқларига дунё миқёсида берилган муносиб баҳо бўлди.

Тадбир иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларни беришиб, касаба уюшма аъзолари ўртасида маънавий тарғибот ишларини жонлантириш ҳақида бир-бирлари билан фикр алмашишди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири, И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

**Байрам Камолов академик Собир Камоловнинг кенжа фарзанди. Таниқли олимнинг ўғли экани унинг зиммасига катта масъулият юклайди. Отасига муносиб фарзанд бўлиш истаги доим ўзига талабчан бўлишга, одамлар ишончига муносиб равишда ишлашга ундайди. Уни янги қурилаётган Қўнғирот сода заводига ишга таклиф этишганида, одатдагидек отасига маслаҳат солди.**

# ИМКОНИЯТ

— Бу жуда яхши таклиф, — қувватлади Собир ота. – Ҳали кўрасан, завод ишга тушса, элимизга, юртимизга кўп нафи тегади, мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч корхоналаридан бири бўлади.

Байрам 2006 йил апрелида заводда муҳандис сифатида иш бошлади. Тиришқоқ, интилувчан йигит тез орада назарга тушди. Айниқса, хорижий кредит лойиҳалари билан ишлаш борасида тажрибага эгалиги, инглиз тилида эркин сўзлаша олиши қўл келди. Заводда энг сўнгги русумдаги техника-технологиялар ўрнатилаётгани боис барча технологик тавсияномалар инглизча эди. Технологияларни мутахассису ишчи-хизматчиларга икир-чикирларигача таништиришда, уларнинг ўзаро «тил топишиб» кетишларида муҳандис-таржимон Байрам Камоловнинг хизматлари катта бўлди. Унинг интилувчанлиги, доим ташкилий ишларга камарбасталиги назардан четда қолмади. Август ойида уни корхонанинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлашди.

— Ҳукуматимиз, халқимиз завод истиқболига умид билан кўз тикмоқда. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айни пайтда саноат учун муҳим хом ашё — кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаряпмиз. Ишлаб чиқариш ҳажми кунига 100-120 тоннани ташкил этмоқда. Маҳсулот тўлиқ биржа орқали сотилмоқда, — дейди завод директори Рисқибой Яқубов. – Ишлаб чиқариш суръати ва сифатини янада ошириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ниятидамиз.

1100 кишилик жамоада иш уч сменада ташкил этилган. Ишчи-хизматчилар махсус кийим, арзонлаштирилган иссиқ овқат билан таъминланган. Ойлик маошлари ҳам ўртача 107 минг сўмдан тўғри келаётир.

— Бу ҳали бошланиши, — дейди Байрам Камолов. – Ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги янада ошади. Жамоа шартномасига ҳам кўплаб имтиёзлар берувчи, иқтисодий манфаатдорликни доимий ошириб боришни назарда тутувчи бандлар киритиляпти. Мақсад заводнинг ҳар бир ходимига муносиб шарт-шароит яратишдир. Моддий манфаатдорлик бор жойда, албатта, унум, барака бўлади.

Ишчиларнинг аксарияти ёшлар.

— Улар билдирилган ишончни оқлаш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда, — сўзида давом этади касаба уюшма сардори. — «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда ишчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган. Турли бадиий кечалар, учрашувлар, спорт мусобақалари ташкил қилинган. Заводнинг дам олиш уйлари-ю, спорт майдончалари ишчилар хизматида. Уларда китоб ўқиш, дунё янгиликлари билан танишиш, спорт билан шуғулланиш учун барча шароит мавжуд.

## Бугуннинг нафаси

Ишчи-хизматчилар учун яратилаётган қулайликлардан бири, шубҳасиз, «Элобод» қўрғонидир. Бугунги кунда қўрғонда икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда.

Минг эшитгандан бир кўрган яхши қабилида Қўнғирот қальасидан 40 км наридаги қўрғонни бориб кўрдик. Буни қарангки, электр энергияси, газ ва сувнинг услуксиз таъминоти ҳатто шаҳарликларнинг ҳам ҳавасини келтиради. Турнақатор турар-жой бинолари, ётоқхона, меҳмонхона, даволаш маркази, мактаб, клуб, болалар боғчаси, бозорча, маиший ва савдо шохобчалари-ю спорт майдончасининг замонавий лойиҳа асосида қурилганини кўрган киши бу ҳудудни саҳродаги жаннатга менгзаши мумкин.

— Бу ерда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Абдираим Озиров. — Қўнғирот ва Нукус шаҳарларига транспорт қатнови намунали йўлга қўйилди. Аҳолини турар-жой билан таъминлаш мўлжалланяпти. Шунингдек, хизмат кўрсатиш сифати ва суръати ҳам ошиб бормоқда.

Мўъжаз шифо масканида шифокорлар Дурдиниёз Каниёзов, Қувват Хўжааҳмедовлар билан бирга 8 нафар ҳамшира хизмат қилишади. Бу ерда касалликнинг олдини олиш, беморлар тез ва тўла оёққа туришлари учун шароит етарли. Муассаса замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Қўрғондаги 52-мактабда 206 ўқувчи таҳсил олади. 21 ўқитувчи уларга фанлардан қунт билан сабоқ беради. Барча қулайликларга эга кутубхона, спорт зали ўқувчиларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ҳамда сифатли таълим беришга хизмат қилади. Болалар боғчасида 81 нафар бола ардоқда.

— Болажонларни етук инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида улар билан турли машғулотлар олиб борамиз, эрталиклар, спорт мусобақалари уюштирамиз, — дейди боғча мудираси Олмагул Бектемирова.

Кичкинтойлар билан суҳбатлашдик. Улар она Ватан ҳақидаги шеърларни мароқ билан ўқиб беришди.

**Улли БОБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# ҲАМКОР ВА ҲАМЖИҲАТ

***Зулфия ҳар гал шаҳар марказига борганида, алоқа уйи олдидан ўтаётиб, бир энтикиб қўярди. Қандай қилиб узоқдаги кишининг овози қулоғинг остида жарангларкин-а, деган саволга болаларча мушоҳадалари билан жавоб топишга уринарди. Барибир бунинг моҳиятини тўлиқ англаёлмасди. Катта бўлсам, алоқачи бўламан, ана шунда ҳаммасини билиб оламан, дерди ўз-ўзига.***

1971 йили ўрта мактабни тамомлаб, Хива туман алоқа бўлимида оператор бўлиб иш бошлади. Бу ерда соҳа ҳақида анча-мунча нарсани билиб олди. Аммо бу билиши лозим бўлганларининг ўндан бири эди холос. Шу боис 1972 йили Тошкент электротехника-алоқа институтига ўқишга кирди. 1977 йили уни муваффақиятли тамомлаб, вилоят алоқа бошқармаси электр алоқа бўлимига шаҳар ва қишлоқ телефонлари бўйича муҳандис бўлиб келди. 2000-2003 йилларда «Хоразмтелеком» ОАЖ да муҳандис вазифасида ишлади. 2003 йилда алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси йиғилишида аъзолар уни раисликка сайлашди.

Фаолияти давомида касаба уюшма кўмагидан бир неча бор баҳраманд бўлган эса-да, бевосита шу соҳада ишлаш бутунлай бошқа экан.

— Аввалига шу соҳада узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган инсонлар тажрибасини ўргандим. Федерация кўрсатмалари, йўриқномалари билан чуқур танишдим. «Ишонч» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб боришга одатландим, — дейди Зулфия Бобожонова. — Айниқса, фаол касаба уюшма аъзолари, илғор тажрибалар тўғрисидаги мақолаларни қайта-қайта ўқирдим. Булар асосида ўзим учун режалар туздим. Эътибордан четда қолаётган жиҳатларга яқиндан ёндошиб, аъзоларга ғамхўрликни кучайтириш чораларини кўрдим.

Уюшма раиси аъзоларнинг шарт-шароитларини ўрганди. Фахрийлар тақдири билан қизиқди. Шунда бир аёл қисмати юрагида оғриқ уйғотди.

Саломат Мадаминова 1971-1998 йилларда Хива туман алоқа бўлимида хизмат қилган. Тақдир тақозоси билан 1998 йили 2-гуруҳ ногирони бўлиб, нафақага чиққан. Саломат опа негадир имтиёзлардан фойдаланмас экан.

Зулфия опа аёлнинг манзилини аниқлади ва уни бориб кўрди. Суҳбатлашиб билдики, у имтиёздан мутлақо бехабар. Раиса унга ҳуқуқларини тушунтирди. «Хоразмтелеком» раҳбарияти билан гаплашди. Саломат опа ҳам алоқа ходимлари имтиёзларидан фойдаланадиган бўлди. Соҳада 29 йил узлуксиз ишлагани учун касаба уюшмаси томонидан тақдирланди.

Бу ҳолат уюшма раисини тарғибот ишларини кучайтиришга даъват этди. Жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, алоқачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касаба уюшма аъзоларининг имтиёзлари, меҳнат қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтирди.

— Бола йиғламаса онаси сут бермайди, деган нақл бор. Аммо бу касаба уюшмаси принципларига бегона,-дейди раиса. — Биз 2200 аъзомизнинг ҳар бирига алоҳида ғамхўрлик қилишга интиламиз. Ахир, кимдир ўз муаммоларини айтишга уялади, кимдир бошқа сабабдан мурожаат қилмайди. Биз ҳар қандай ҳолатда уларга кўмакдошмиз. Ҳар бир аъзони моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаймиз. Меҳнат шароитларини яхшилаш чораларини кўрамиз. Ҳар бир корхонада техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар фаолият кўрсатади. Улар учун семинарлар уюштирамиз. Меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма қўмитасининг меъёрий-йўриқ ҳужжатлари билан таъминлаганмиз. Шунингдек, барча корхоналарда касаба уюшмаси бурчаги ташкил қилинган. Уларда уюшма аъзолари имтиёзлари, кейинги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва фаолиятимиз тўғрисида тўлиқ маълумотлар бор.

— Муассасаларда жамоа шартномаси асосида иш шароитларини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда улар ўртасида «Энг яхши шароит яратган корхона» кўрик-танлови ўтказилди. Бунда алоқа соҳаси ходимларига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳисобга олинди. Танлов вилоят жамоалари ўртасида алоҳида, корхоналар ўртасида алоҳида ўтказилди. Танловда «Хоразмтелеком» ОАЖ ғолибликни қўлга киритди. Корхоналар орасида эса РТУМ жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Улар ва бошқа совриндорлар касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Бу мутасаддиларни ишчи-хизматчиларга янада ғамхўрлик кўрсатишга, иш шароитларини яхшилашга ундамоқда.

Ўтган йили барча алоқа корхоналарида кам таъминланган оилаларга 3,5 миллион сўмдан зиёд, кўп болали оилаларга 740 минг сўмга яқин, ногиронларга 1, 2 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Ходимлар хоҳиши бўйича республика ва вилоят миқёсидаги санаторийларга 19 та йўлланма ажратилди. «Хоразмтелеком» ОАЖ бу борада ходимларга янада қулайлик яратиш мақсадида «Чортоқ» санаторийси билан 15 йўлланмага шартнома имзолаган.

Ёзги мавсумда алоқачиларнинг фарзандлари «Алоқачи», «Шодлик», «Автомобилчи» оромгоҳларида дам олдирилади. Ўтган йили 250 га яқин болакай ана шундай имтиёзга эга бўлди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали ташаббуси билан ходимлар Баҳовуддин Нақшбанд зиёратига боришди. Гурлан телекоммуникациялар боғламаси касаба уюшмаси ҳисобидан Хивага саёҳат уюштирилди.

Ижтимоий ҳимоя йилининг кўрсаткичлари янада залворли. Биринчи чоракда ходимларга 1 миллион 122 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Санаторийларга уч йўлланма ажратилди.

Бундай шарт-шароитлар иш суръатининг ва сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Алоқа тизимида кўзга ташланаётган юксалишлар ҳам аслида ана шу шарт-шароитлар туфайлидир.

Бундан ўн йиллар муқаддам ўзга шаҳарлар билан боғланиш учун қишлоқ аҳли туман марказига тушишига, гоҳида узоқ навбат кутишига ҳам тўғри келарди. Ҳозир-чи? Барча туманларда рақамли АТСлар мавжуд. Энди энг чекка қишлоқдаги телефон орқали дунёнинг истаган нуқтаси билан боғланиш мумкин.

Теледастурлар узатишда ҳам янгиликлар жорий қилинмоқда. Хитойнинг «Амкател Шанхай Келл» компаниясининг ер усти йўлдоши алоқасини қабул қилувчи ва эфирга узатувчи станциялари кредит орқали олиниб, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қамраб олинмаган ҳудудга ўрнатиш учун етказиб берилди. Хусусан, «Тупроққалъа» мавзесида жойлашган Саримой аҳоли масканида 1 КВТ қувватли битта теле ва 1 та радио узатгич монтаж қилиниб, ишга туширилди. Энди 60 га яқин хўжаликлар «Ўзбекистон» телерадиоканаллари дастурини қабул қилиш имконига эга бўлди.

— Муваффақиятлар иқтисодий имкониятларни кенгайтиради. Бу эса ишчиларга ғамхўрликнинг янада кучайтирилишига хизмат қилади,— дейди Зулфия Бобожонова.— Мана, яқинда бир неча фахрийларимизнинг таваллуд кунларини нишонладик. Шулардан бири узоқ йиллар алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаган Ўринбой ака Преновдир. Унинг турмуш ўртоғи Машҳура Ҳожибоева «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали директори ўринбосари. Ўринбой ака 63, Машҳура опа 55 ёшни қаршилади. Касаба уюшмаси уларни кўп йиллик самарали фаолияти учун муносиб тақдирлади. Хозарасп телекоммуникация боғламаси бошлиғи Рустам Аҳмедов ҳам 60 ёшга кирди. Рустам акани пенсияга кузатиш маросими қизғин кечди.

Бири-биридан қизиқарли тадбирлар уюшма томонидан кўплаб ташкил қилинмоқда. Ўтган ойда аёллар ўртасида волейбол мусобақаси ўтказилди. Унда ғолиблик «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиали жамоасига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совға эгалари бўлдилар.

— Режаларимиз бисёр,— дейди Хоразм вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси Зулфия Бобожонова.— Асосий эътиборни ҳар доимгидек, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашга қаратамиз. Уларни алоқа идоралари билан ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда амалга оширамиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## Ўқув-семинар

# МАКТАБ-ИНТЕРНАТ

## иштирокчиларда катта таассурот қолдирди

***Яқинда Андижон вилояти Хўжаобод шаҳар 17-эшитишида нуқсони бор болалар махсус умумий ўрта таълим мактаб-интернатида соҳа касаба уюшма фаоллари иштирокида семинар бўлиб ўтди.***

Унда тумандаги мактаб директорлари, бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари қатнашдилар. Иштирокчилар мактаб бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси хонаси, ётоқхона, ошхона, кутубхона, тажриба участкасидаги баҳорги амалий ишлар, «Моҳир қўллар» томонидан тайёрланган кўргазма, иш намуналари билан яқиндан танишдилар. Ундан кейин интернат илмий бўлим мудираси Фотимахон Бакированинг 2006 йилги жамоа шартномаси асосида олиб борган ишлари ҳақидаги ахбороти тингланди.

— Мактабда 205 нафар болалар тарбия олишяпти. Уларга 56 нафар ўқитувчи, 55 нафар тарбиячи таълим бермоқда.

Бу ерда ходимлар, хотин-қизлар ва маънавият хоналари ташкил қилинди. Кутубхона фонди бойитилди. Жамоа меҳнати билан боғ яратилди. Ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Сўзга чиққан касаба уюшма қўмитаси раиси Қобилжон Олимов ходимларнинг дам олиш масканларида кўнгилли ҳордиқ чиқариши, меҳнат фахрийлари ардоғ-у эъзоздалиги, жамоанинг бўлиб ўтаётган мусобақаларда фаол иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлади. Учқўрғон ва Қувасой мактаб-интернатлари спорт мусобақаларида қатнашганлигини мамнуният билан айтиб ўтди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Йўлдош Машрабиев, Хўжаобод тумани вакили Садбархон Юсуповалар Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Марказий кенгаши III қурултой қарорлари асосида ходимларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси вазифалари ҳақида маъруза қилдилар. Вилоят кенгаши ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Ҳамдамжон Турсунов эса меҳнатни муҳофаза қилиш мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, семинарда мактаб-интернатнинг педагог ходимлари Муҳаррамхон Раҳимова, Жўрабой Ҳайдаров, Рисолатхон Акбарова, Мақсудахон Мамасолиевалар сўзга чиқишди.

Мактаб-интернат ходимлари томонидан тақдим этилган ашула, қўшиқ, рақс, саҳна кўринишлари семинар қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

**Одилжон ҚОДИРОВ,**
**Андижон вилояти,**
**Хўжаобод туманидаги**
**3-умумтаълим**
**мактабининг ўзбек тили**
**ва адабиёти ўқитувчиси**





*Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, уни жаҳон андозаларига мос янги технологиялар билан жиҳозлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. «Фарғонапахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизими корхоналари фаолиятидаги салмоқли ўзгаришлар ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.*

*Бугунги кунда мазкур бирлашма тизимида ўнта пахтани қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган малакали ишчи-ходимлар пахта ҳосилини сифатли, харидоргир толага айлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Тайёр пахта толаси дунёнинг кўплаб мамлакатларига пешма-пеш экспорт қилинаётир.*

*Айниқса, бирлашмага қарашли «Қўқон 2-пахта тозалаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти фаолияти эътиборга сазовор. Корхона томонидан ўтган йили пахта хомашёси етказиб бериш бўйича Бувайда, Учкўприк туманлари ширкат ва фермер хўжаликлари билан контракция шартномалари тузилган бўлиб, 39167 тонна пахта хомашёси қабул қилиб олинди. Бу ерда «С-6524», «Ан-514», «Ан Боёвут-2» навли пахта қайта ишланмоқда. Бу типдаги тола жаҳон бозорида ҳам харидоргир. Бундай талаб эса жамият фаолиятини янада яхшилашга ундайди.*

**Суратларда: ишчи Шокир Ўринов, лаборатория мудираси (чапдан) Малика Деҳқонова ва лаборант Зулфия Каримова.**

**М. ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## Бандлик

# ГУЗАРДАГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Избоскан туманидаги «Ўзбекистон» фермерлар ҳудудида мулкдор ва ҳомийлар ташаббуси билан бир йўла учта гузар ишга туширилган эди. Дарёбўйи, Чек, Сарбон каби қишлоқлардаги маҳалла оқсоқолларининг ҳаракати туфайли эндиликда ана шу жойларда қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Тўртта тикиш-бичиш цехи, маиший хизмат уйлари, аҳолига техник хизмат кўрсатиш устахоналари, чойхона, ошхона кабиларда 100 нафардан зиёд ёшлар фойдали меҳнат билан банд. Бундан ташқари уста-шогирд ва ҳунарманд-тадбиркорлар мактаби ҳам ташкил этилган. Ёшлар қисқа муддатли курсларда касб сирларини ўрганишмоқда.

**Қобилжон ШОКИРОВ**

## Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

# УЮШМАДАН БАРЧА МАМНУН

**Оҳангарон туманидаги «Бунёдкор аёл» уюшмаси саъй-ҳаракати билан ҳудудда 1600 нафар вақтинчалик бекор туриб қолган хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. 315 нафари эса ҳунармандчилик сирларини ўрганишга йўналтирилди.**

Кам таъминланган ва қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилардан 45 нафари оталиққа олинган. Байрам ва тадбирлар улар иштирокисиз ўтмайди. Наврўз байрами муносабати билан уюшма кам даромадли оилалардан 12 тасининг фарзандларига суннат тўйи қилиб берди. Уларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами ҳам очилди.

«Бунёдкор аёл»нинг аниқ мақсадга йўналтирилган режасида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳам кенг ўрин олган. Шу асосда «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамиятида 40 та, «Оҳангаронцемент»да 48 та, туман меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлими орқали 430 та янги иш ўринлари яратилди.

**Муқаддас АЛИЕВА**

## Ёшлар тарбияси

# ЎСМИР НЕГА ЖИНОЯТЧИГА АЙЛАНДИ?

***Кейинги йилларда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликка мойиллик, уларнинг жиноят оламига аралашиб қолиш масалалари жамоатчилик эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Зеро, ўсиб бораётган авлод бу — Ватан келажаги, унинг камоли, иқтисодий-маънавий тараққиёти кўп жиҳатдан бугунги ёш авлодга ҳам боғлиқ. Шу билан бирга бу соҳада айрим муаммолар борлигидан кўз юммаслик керак. Масалан, вояга етмаганлар орасида жиноят оламига аралашиб кетаётганлар сафининг ўсиши ҳаммамизда ташвиш туғдиради.***

Гапимиз беисбот бўлмасин. Масалан, бу соҳада Фарғона вилоятида 2005 йилда 229 нафар ўсмир жиноят содир этган бўлса, 2006 йилда улар сони 20 тага кўпайган. Айрим шаҳар ва туманларда бундай ҳолатларнинг сезиларли даражада ўсганлиги ташвишланарли. Айтайлик, Марғилон шаҳрида 2005 йили 5 нафар вояга етмаган шахс жиноят содир этган бўлса, 2006 йилда улар сони 21 тага етган. Қувасой шаҳрида ҳам 2005 йилга нисбатан 2006 йилда вояга етмаганлар орасида содир этилган жиноятлар сони ошган. Шундай ҳолатни Бешариқ, Қува, Учкўприк туманларида ҳам кузатиш мумкин. Хўш, бу нимадан далолат беради? Бу албатта мазкур ҳудудлардаги ҳуқуқий тарбия муассасалари, маҳалла қўмиталари, ҳуқуқ тартибот идоралари масъул шахсларининг, кенг жамоатчиликнинг ушбу муҳим соҳага беэътибор қарашлари туфайлидир.

Одатда вояга етмаганлар жиноятчиликка ўзларидан катта ёшдаги жиноятчи ёки жиноятга мойил шахсларнинг таъсирида кириб қолишлари маълум. Ўсмирлар содир этаётган жиноятларнинг катта қисмида улар одатда иштирокчи сифатида қатнашадилар. Албатта турли саргузаштлар қидириш, қизиқувчанлик, ортиқча ишонувчанлик, ҳаётдаги муайян шарт-шароитларга мослашиб олишга лаёқатсизлик ва ҳоказо кўплаб ҳолатлар улар учун жиноят оламига йўл очади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари уларни шу ёмон йўлга бошлаган катта ёшдаги ташкилотчиларни фош этишга доим ҳам етарли аҳамият беравермайдилар. Кўпинча вояга етмаган ўсмирни жиноий фаолиятга бошлаган катта ёшли ташкилотчи ҳақидаги масала ҳар тарафлама ва синчиклаб ўрганилмайди. Баъзан ҳуқуқий идораларда бундай жиноий ишлардаги мана шу ҳолатлар алоҳида ишлаб чиқаришга ажратилади ва минг афсуски, кейинчалик бу материаллар ҳаракатсиз қолиб кетади. Судьялар ҳам ўз навбатида содир этилган жиноятдаги катта ёшли фуқароларнинг роли масаласига етарли даражада эътибор бермайдилар. Масалан: 2004 — 2005 йиллари ўсмирлар билан катта ёшдагилар қатнашган жиноий ишларнинг 39 фоизида вояга етмаган шахснинг жиноий ҳаракатга аралашуви фактлари бўйича ишлар материалларини алоҳида ишлаб чиқаришга ажратиш тўғрисида қарорлар чиқарилган. Бу ишларнинг 25 фоизи эълон қилинган айбловнинг тасдиқланмаганлиги туфайли тугатилган. 20 фоизида эса катта ёшдаги шахсларнинг ҳаракатларида жиноят элементлари бўлмаган деб топилган. Фақатгина 12 фоиз ишларда катталар жиноий жавобгарликка тортилган.

Албатта, бу рақамлар шу соҳада хатоликка йўл қўйилган деган қатъий фикрни билдирмайди, биз фақат уларни мулоҳаза қилиш учун келтирдик холос.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кўпайишига нотинч оилаларда тарбияланаётганлар кўпроқ ҳисса қўшаётганликлари сир эмас. Зеро, ёш боланинг шахс сифатида шаклланишида унинг оилада олган тарбияси бирламчи рол ўйнайди.

Криминал адабиётларда вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг шаклланишида оилавий тарбиянинг таъсири бирмунча мукаммал ўрганилган. Кўпинча бундай оилаларда ота-оналар ва болалар ўртасида ўзаро келишмовчилик, ҳатто тўқнашувлар рўй беради. Ота-она ва болалар орасига тушган совуқчилик болаларнинг ота-онадан узоқлашишига олиб келади. Натижада болалар ўз юрак сирларини, эзгу туйғулари, бошқаларга нисбатан муносабатлари ҳақида ота-оналари билан эмас, балки дўстлари, қўшнилари, бегона шахслар билан ўртоқлашишни афзал кўрадилар.

Кузатувларимизга қараганда, баъзи оилаларда ота-оналар болалар билан муносабатларга бир кунда ўртача 20—45 дақиқа ажратадилар холос! Бу эса ҳаётда мураккаб ҳолатга дуч келган ўсмир яқинларига дил ёриш ўрнига оиладан ташқаридаги кишиларга мурожаат қилишига олиб келади. Бундай муносабатлар эса ўз навбатида кўнгилсиз натижалар келтириши ҳам мумкин.

Зангиота тарбиялаш колониясидаги ўсмирлар ҳаёти ўрганиб чиқилганда, уларнинг аксарияти оила катталарининг ўзлари орасида, шунингдек, улар билан болалар ўртасида келишмовчилик, тўқнашувлар туфайли шу аҳволга тушганликлари аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, бундай шароитда болалар ва ўсмирлар катталарнинг зўравонларча муносабатидан, жиноий элементларнинг таъсиридан ҳамиша ҳам ҳимоя қилинмаганлар. Айримлари эса текинхўрлик, бузуқлик илдиз отган оилаларда яшашга мажбур. Бу эса ўз навбатида ўсмирни тинч, ижодий ҳаётдан жиноятчиликнинг қоронғи сўқмоқларига етаклашга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, фарзанд тарбияси ҳам бир оиланинг, маҳалла-кўйнинггина эмас, балки бутун бир жамиятнинг келажаги билан боғлиқ масъулиятли вазифа. Эртамиз эгаларининг комил инсон бўлиб ўсиши бугунги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик!

**Д.АБДУЛЛАЕВА,**
**тадқиқотчи**

